



Theoretical models and practical mechanisms of relations between civil society and the state

Shavkat NAZAROV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2025

Received in revised form

15 July 2025

Accepted 15 July 2025

Available online

25 August 2025

Keywords:

civil society,
state,
governance,
liberal model,
social partnership,
digital transformation,
democratic oversight.

ABSTRACT

This article analyzes the theoretical concepts, history, and modern approaches to the relationship between civil society and the state. A comparative analysis of four main models established in global practice – liberal, social-democratic, corporatist, and statist models – was conducted. The article highlights issues of strengthening civic participation through the concepts of e-democracy and digital governance. Proposals have been developed for improving cooperation between the state and society in the context of Uzbekistan.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss4-pp1-7>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг назарий моделлари ҳамда амалий механизмлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

фуқаролик жамияти,
давлат,
давлат бошқаруви,
либерал модель,
ижтимоий шериклик,
рақамли трансформация,
демократик назорат.

Ушбу мақолада фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг назарий концепциялари, тарихи ва замонавий ёндашувлари таҳлил қилинган. Жаҳон амалиётида шакланган тўртта асосий модель – либерал, ижтимоий-демократик, корпоратив ва этатистик моделлар – қиёсий таҳлил қилинди. Электрон демократия ва рақамли бошқарув концепциялари орқали фуқаролик иштирокини кучайтириш масалалари ёритилган. Ўзбекистон шароитида давлат ва жамият ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

¹ Candidate of Legal Sciences, Associate Professor, Head of Department, Tashkent State University of Law.
E-mail: sh.nazarov@tsul.uz

Теоретические модели и практические механизмы взаимоотношений между гражданским обществом и государством

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

гражданское общество, государство, государственное управление, либеральная модель, социальное партнерство, цифровая трансформация, демократический контроль.

В статье рассмотрены теоретические концепции и современные подходы к взаимоотношениям между государством и гражданским обществом. Проведен сравнительный анализ четырех основных моделей – либеральной, социально-демократической, корпоративной и этатистской. Освещаются аспекты цифровой трансформации, электронного управления и общественного участия. Предложены рекомендации по совершенствованию механизмов взаимодействия государства и гражданского общества в Узбекистане.

Фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги муносабатларни ташкил этиш моделлари ва механизмлари бўйича илмий концепцияларни ўрганиш, уларнинг назарий-ҳуқуқий асосларини комплекс таҳлил қилиш ва турли мамлакатлар тажрибасини қиёсий ўрганиш нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Бу жараён мамлакатимизда ҳам амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш учун зарур назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Фуқаролик жамияти ва давлат муносабатлари механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар узоқ тарихга эга бўлиб, XVII асрдан бошлаб шаклланган классик концепциялардан тортиб бугунги кунгача бўлган даврда бир қанча назарий қарашлар илгари сурилган. Айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмида ва XXI аср бошларида янги босқичга кўтарилган тадқиқотлар натижасида бу соҳада қатор инновацион ёндашувлар ва концепциялар шаклланган.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти ва давлат муносабатларига оид концепцияларни **даврийлик нуктаи назаридан қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:** классик концепциялар (Жон Локк, Георг Гегель), ўрта давр концепциялари (институционал ва тизимли ёндашувлар) ва замонавий концепциялар (яхши бошқарув, янги давлат менежменти, тармоқли бошқарув, рақамли трансформация ва демократик назорат концепциялари).

Ҳозирги даврда дунёнинг турли мамлакатларида фуқаролик жамияти ва давлат муносабатларини ташкил этишнинг **тўрт асосий модели** амал қилмоқда: либерал модель, ижтимоий-демократик модель, корпоратив модель ва этатистик (давлатчилик) модель. Бу моделларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар мамлакатларнинг тарихий-сиёсий ривожланиш йўли, ижтимоий-иқтисодий шароитлари ва маданий анъаналари билан боғлиқ ҳолда шаклланган.

Шу боис ҳам фуқаролик жамияти ва давлат муносабатлари соҳасидаги назарий концепцияларни тизимлаштириш ва таснифлаш; жаҳон тажрибасида қўлланилаётган амалий моделларни қиёсий таҳлил қилиш; замонавий шароитда фуқаролик жамияти ва давлат муносабатларини ривожлантиришнинг инновацион механизмларини аниқлаштириш; мамлакатимизда бу соҳани такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Дастлаб, классик давр концепциясининг асосини ташкил қилувчи **Жон Локк концепциясига** эътибор қаратиш зарур. Жон Локк ўзининг “Фуқаролик бошқаруви тўғрисида икки рисола” асарида фуқаролик жамияти ва давлат муносабатларининг либерал назарияга асосланган тамойилларини ишлаб чиқиб, ушбу соҳадаги икки асосий назарияни илгари сурган: а) табиий ҳуқуқлар устуворлиги ва ижтимоий шартнома назариясини. Унинг фикрича, давлат фуқаролик жамиятининг маҳсули бўлиб, унинг асосий вазифаси фуқароларнинг табиий ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Жон Локк концепциясига асосланган либерал назариянинг ҳуқуқий тизимларига ҳам ўзини жиддий таъсирини кўрсатган. Жумладан, ушбу назария таъсирида АҚШда тенг ҳуқуқлилик, камситишга қарши курашни белгиловчи “Фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун (1964), давлат фаолияти шаффофлигини белгиловчи “Ахборот эркинлиги тўғрисидаги қонун” (1966) қабул қилинган бўлса, Европа Иттифоқи доирасида “Асосий ҳуқуқлар хартияси” қабул қилинган.

Георг Гегельнинг этатистик (давлатчилик) назарияси саналади. Гегель “Ҳуқуқ фалсафаси” асарида давлатнинг етакчи ролини асослаб, фуқаролик жамиятини оила ва давлат ўртасидаги боғловчи бўғин сифатида талқин қилган. У давлат ва фуқаролик жамияти диалектикасининг қуйидаги функцияларини кўрсатиб ўтган: а) фуқаролик жамияти функциялари (оила ва давлат ўртасида боғловчи бўғин; хусусий манфаатлар ифодаланиши майдони; ижтимоий интеграция механизми) ва ҳуқуқий давлат функциялари (қонун устуворлиги; ҳуқуқий тартибот; институционал тузилма).

Вақт ўтиши билан ўтган асрнинг ўрталарига келиб фуқаролик жамияти ва давлат муносабатлари соҳасидаги классик концепциялар доирасида бир нечта ёндашувлар шакллланган. **Биринчиси** институционал ёндашувдир. Ушбу ёндашув Даглас Норт ва Элино́р Остро́м томонидан ривожлантирилган. **Иккинчиси** тизимли ёндашувдир. Ушбу ёндашув Никлас Луман ва Толкотт Парсонс асарларида ривожлантирилган:

Фуқаролик жамияти ва давлат муносабатлари соҳасида либерал концепциялар ўтган асрнинг охирида шакллланган бўлиб, ушбу давр бир нечта бошқарув концепциялари яратилганлиги билан тавсифланади. Биринчи бошқарув концепцияси сифатида **“Яхши бошқарув” (Good Governance) концепциясини** кўрсатиш зарур. Ушбу концепция халқаро тажриба таҳлили асосида Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт дастури томонидан ишлаб чиқилган. Унинг асосий принциплари сифатида самарадорлик ва натижавийлик; шаффофлик ва ҳисобдорлик; фуқаролар иштироклари белгиланган.

Ўтган асрда ишлаб чиқилган навбатдаги концепция бу **“янги давлат менежменти” концепцияси** деб номланади. Ушбу концепция Кристофер Худ ва Дэвид Осборн асарларида асосланган. Ушбу концепциянинг асосий йўналишлари сифатида бозор механизмларини жорий этиш; мижозга йўналтирилганлик; натижага асосланган бошқарув белгиланган.

Мазкур даврда яратилган яна бир концепция бу **“тармоқли бошқарув концепцияси”** деб номланади. Ушбу концепция Мануэль Кастельс ва Род Роудс ишларида ривожлантирилган. Унинг асосий элементлари сифатида горизонтал алоқалар тизими; кўп даражали бошқарув; мослашувчан тузилмаларни кўрсатиш мумкин.

Ушбу даврнинг яна бир концепциялари сифатида **“ижтимоий шериклик” ва “фуқаролик иштироки” концепцияларини** кўрсатиш мумкин. “Ижтимоий шериклик” концепцияси дастлаб Филипп Шмиттер ва Герхард Лембрух тадқиқотларида келтирилган. Унинг асосий йўналишлари сифатида секторлараро ҳамкорлик механизмлари; манфаатлар мувозанати; ресурсларни бирлаштириш кабилар белгиланган. Фуқаролик иштироки концепцияси эса дастлаб Бенжамин Барбер ва Арчон Фунг ишларида асослаб берилган. Ушбу концепция таъсирида Германияда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун, ерлардаги ҳамбошқарув Бугунги кунда **тўрт асосий модел кўпчилик давлатларда** амал қилмоқда: либерал модель, ижтимоий-демократик модель, корпоратив модель ва этатистик (давлатчилик) модель. Бу моделларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар мамлакатларнинг тарихий-сиёсий ривожланиш йўли, ижтимоий-иқтисодий шароитлари ва маданий анъаналари билан боғлиқ ҳолда шаклланган.

R.Powell ва E.Muddimanнинг “State-Civil Society Relations” (2024) мақоласи алоҳида эътиборга молик бўлиб, унда давлат-фуқаролик жамияти муносабатларининг либерал, ижтимоий-демократик, корпоратив ва этатистик моделлари таҳлил қилинган. Улар ўз мақоласида давлат-фуқаролик жамияти муносабатлари 4 та асосий моделга бўлиб таҳлил қилган.

Биринчи модел бу – либерал модель: “Либерал моделда давлатнинг ижтимоий таъминот харажатлари паст, лекин нотижорат секторнинг ўлчами нисбатан катта. Бу конфигурация “ижтимоий фаровонлик ҳимоясини кенгайтиришга қарши сезиларли мафкуравий ва сиёсий қаршилиқ ва ихтиёрий ёндашувларга нисбатан аниқ устунлик” билан тавсифланади. Салмон ва бошқалар (2000) ўз таҳлилларида АҚШ, Австралия ва Ирландияни либерал учинчи сектор режимлари сифатида аниқлаганлар”. Бу моделда давлатнинг ижтимоий таъминот харажатлари паст, лекин нотижорат секторнинг ўлчами нисбатан катта.

Либерал модель ҳақида қуйидаги фикр ўзига хос аҳамият касб этади: “Либерал давлат-фуқаролик жамияти моделида давлатнинг ижтимоий таъминот харажатлари паст, аммо нодавлат сектор нисбатан катта. Бу конфигурация давлатнинг ижтимоий ҳимоя тизимини кенгайтиришга қарши кучли мафкуравий ва сиёсий қаршилиқка ва ихтиёрий ёндашувларга асосланган”.

Иккинчи модел бу – ижтимоий-демократик модель. Ижтимоий-демократик моделда (Финляндия, Венгрия) давлат томонидан молиялаштириладиган/етказиб бериладиган фаровонлик ҳимояси кенг тарқалган бўлиб, фуқаролик жамияти ташкилотларининг ижтимоий фаровонлик функциясини бажариш зарурати камроқ. Бу модель юқори даражадаги ижтимоий бирлашувга эга жамиятларда, айниқса турли ижтимоий синфлар ўртасида кучли иттифоқлар мавжуд бўлганда кўпроқ учрайди”.

Мазкур моделда давлат томонидан молиялаштириладиган фаровонлик ҳимояси кенг тарқалган бўлиб, фуқаролик жамияти ташкилотларининг ижтимоий фаровонлик функциясини бажариш зарурати камроқ. Юқори даражадаги ижтимоий бирлашув ва турли ижтимоий синфлар ўртасида кучли иттифоқлар мавжуд. Бу моделга мансуб давлатлар: Финляндия – давлат ижтимоий харажатлари юқори, нотижорат сектор кичик, кучли ижтимоий бирлашув; Венгрия – давлат томонидан фаровонлик кенг таъминланади, фуқаролик жамияти ташкилотлари камроқ.

Миллий олимларимиздан Ш.Ш. Шаякубов ва Х.И. Азимовлар томонидан фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги ҳамкорлик масаласида бир қатор муҳим фикрлар илгари сурилган. Жумладан, “нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги иштирокини кучайтириш зарурлиги таъкидланган. Шунингдек, ижтимоий шериклик моделини такомиллаштириш, хусусан, икки томонлама (давлат – фуқаролик жамияти) моделдан уч томонлама (давлат – фуқаролик жамияти – тадбиркорлик субъектлари) моделга ўтиш таклиф этилган”.

Учинчи модел – корпоратив модель: “Корпоратив режимларда маълум қадимги, нотижорат институтлар (кўпинча диний ташкилотлар) устунлик қилади ва давлат легитимликни сақлаб қолиш учун фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда ишлайди. Салмон ва бошқалар Буюк Британияни ушбу тоифага киритадилар, чунки черковнинг аҳамияти Франция каби кўпроқ дунёвий давлатларга қараганда юқори”. Бу моделда қадимги нотижорат институтлар, айниқса, диний ташкилотлар устунлик қилади. Давлат легитимликни сақлаб қолиш учун фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда ишлайди.

Мазкур моделга мансуб давлатлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Франция – кучли давлат назорати, катта нотижорат сектор, юқори ижтимоий харажатлар; Германия – институционал ҳамкорлик ривожланган, кенг нотижорат сектор; Белгия – анъанавий институтлар таъсири кучли, давлат-жамият шериклиги ривожланган.

Тўртинчи модел бу – этатистик (давлатчилик) модель: “Давлатчи режимлар қудратли авторитар давлатлар билан тавсифланади, улар ўз манфаатларини кўзлаб иш кўрадилар ва учинчи секторнинг кучи ва самарадорлигини минималлаштирадилар. Салмон ва бошқалар ўзларининг 2000 йилги таҳлилларида Руминия, Мексика, Перу, Бразилия ва Колумбияни бу тоифага киритганлар”. Бу модель қудратли авторитар давлатлар билан тавсифланади. Улар ўз манфаатларини кўзлаб иш кўрадилар ва учинчи секторнинг кучи ва самарадорлигини минималлаштирадилар. Бу моделга мансуб давлатлар: Руминия – авторитар давлат хусусияти, нотижорат сектор чекланган; Мексика – давлат манфаатлари устувор, фуқаролик жамияти чекланган; Бразилия – учинчи сектор самарадорлиги паст, давлат назорати кучли.

Ушбу таҳлил кўрсатадики, ҳар бир модель ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан мамлакатнинг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва маданий хусусиятларига боғлиқ.

Юқорида олиб борилган тадқиқот ва хорижий давлатларда шаклланган моделлар таҳлили қуйидаги муҳим хулосаларга келиш имконини беради:

Биринчидан, фуқаролик жамияти ва давлат муносабатлари концепциялари узоқ тарихий эволюцияни босиб ўтган бўлиб, классик назариялардан (Жон Локк, Георг Гегель) то замонавий инновацион ёндашувларгача (рақамли трансформация, демократик назорат концепцияси) ривожланган. Бу эволюцион жараёнда назариялар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришларига, технологик ривожланишига ва кадриятларнинг трансформациясига мослашиб борган.

Иккинчидан, жаҳон тажрибасида давлат ва фуқаролик жамияти муносабатларининг тўрт асосий модели (либерал, ижтимоий-демократик, корпоратив ва этатистик) шаклланган бўлиб, ҳар бир модель ўзига хос

хусусиятларга, афзалликларга ва чекловларга эга. Бу моделларнинг шаклланиши мамлакатларнинг тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий хусусиятлари билан бевосита боғлиқ.

Учинчидан, замонавий шароитда рақамли технологиялар фуқаролик жамияти ва давлат муносабатларини трансформациялашувида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Электрон демократия платформалари, рақамли иштирок механизмлари ва маълумотларга асосланган бошқарув тизимлари фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини янги босқичга кўтармоқда.

Тўртинчидан, ҳар бир минтақа ва мамлакат ўзига хос ривожланиш моделини шакллантирган бўлиб, Ғарбий Европа, Шимолий Америка ва Осиё давлатларининг тажрибаси фуқаролик жамияти ва давлат муносабатларини такомиллаштиришнинг турли ёндашувларини намоён этади. Бу тажрибалар таҳлили Ўзбекистон учун қимматли тажрибани ўзида мужассам этади.

Бешинчидан, фуқаролик жамияти ва давлат муносабатлари соҳасидаги қонунчилик эволюцияси изчил ва тизимли характерга эга бўлиб, дастлаб нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини либераллаштириш ва ахборот эркинлигини таъминлашдан бошланиб, кейинчалик электрон ҳукумат тизимининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва рақамли трансформация қонунчилигини ривожлантириш билан давом этган.

Олтинчидан, илмий назарий концепциялар ва халқаро тажриба асосида Ўзбекистонда “Фуқаролик жамияти ва давлат шериклиги тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш, унда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги конструктив ҳамкорликнинг институционал механизмларини аниқ белгилаш зарур. Бундан ташқари, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларининг давлат қарорларини қабул қилиш ва ижро этишдаги мониторинг функцияларини кенгайтириш.

Юқоридаги таклифлар амалга оширилиши Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва давлат муносабатларини янги босқичга кўтариш, фуқаролик жамияти институтларининг самарадорлигини ошириш ва давлат бошқаруви тизимини демократлаштиришга хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Локк Ж. (1993). Фуқаролик бошқаруви тўғрисида икки рисола. – Тошкент: Фан.
2. Гегель Г. (2001). Ҳуқуқ фалсафаси. – Тошкент: Ўқитувчи.
3. North, D., & Thomas, R. (1973). The Rise of the Western World: A New Economic History. – Cambridge University Press.
4. Ostrom, E. (1990). Governing the Commons: The Evolution of Institutions for Collective Action. – Cambridge University Press.
5. Luhmann, N. (1995). Social Systems. – Stanford University Press.
6. Parsons, T. (1951). The Social System. – Glencoe: Free Press.
7. Hood, C. (1991). A Public Management for All Seasons? – Public Administration, 69(1), 3–19.
8. Osborne, D., & Gaebler, T. (1992). Reinventing Government: How the Entrepreneurial Spirit is Transforming the Public Sector. – Reading, MA: Addison-Wesley.
9. Castells, M. (2000). The Rise of the Network Society. – Oxford: Blackwell.
10. Rhodes, R.A.W. (1997). Understanding Governance: Policy Networks, Governance, Reflexivity and Accountability. – Buckingham: Open University Press.

11. Schmitter, P.C., & Lehmbruch, G. (Eds.). (1979). Trends toward Corporatist Intermediation. – London: Sage.
12. Barber, B. (1984). Strong Democracy: Participatory Politics for a New Age. – Berkeley: University of California Press.
13. Fung, A. (2006). Varieties of Participation in Complex Governance. – Public Administration Review, 66(S1), 66–75.
14. Powell, R., & Muddiman, E. (2024). State–Civil Society Relations: Typologies and Transformations. – Journal of Political Research, 48(1), 10–35.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни. (2014 йил 3 сентябрда қабул қилинган). – Lex.uz
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги Фармони. – Lex.uz
17. Европа Иттифоқи (2000). Хартия основных прав Европейского Союза. – Брюссель: Официальная публикация.
18. Civil Rights Act of 1964. Public Law 88-352. – United States Congress.
19. Freedom of Information Act (1966). – U.S. Department of Justice.
20. Шаякубов Ш.Ш., Азимов Х.И. (2023). Фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асослари. – Юридик фанлар ахборотномаси, №4, 25–36.